

“Репродуктив маданият” тушунчасининг моъияти ва унинг ижтимоий — педагогик талқини

Насиба Ашурова,
“Оила” илмий — амалий марказининг
кичик илмий ходими

Ёш авлоднинг репродуктив маданиятга эга бўлишига эришиш бугунги кунда нафақат тиббий, балки ижтимоий ҳамда педагогик масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Шу маънода Ўзбекистонда аҳоли, шу жумладан, ёшларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида олиб борилаётган амалий ишларни айтиб қотиш зарур.

Ушбу йўналишда «Соқлом она — соқлом бола», «Баркамол авлод йили» Давлат дастурларида белгиланган талабларидан келиб чиққан ҳолда ёшлар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизими шакллантирилди ва тизим негизда ҳуйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши таъминланмоқда:

- фертил ёшидаги аёлларни ва 14 ёшгача бўлган қиз болаларни юз фоиз ҳамраб олган ҳолда чуқурлаштирилган комплекс тиббий кўрикларни ташкил этиш, кейинчалик зарурийат бўлганда соқлиқни сақлаш муассасаларида соқломлаштирувчи тадбирлар ўтказиш;

- мамлакатнинг барча минтақаларида соқлом оилани шакллантириш масалалари бўйича қизларга маслаҳатлар беришни ташкил этиш;

- репродуктив саломатликни сақлаш ва соқлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ва ёш оилалар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш;

- “Оилада саломатлик” марофонини, “Соқлом она — соқлом авлод” тадбирларини ташкил этиш.

Мазкур масалани ижтимоий — педагогик йўналишда ижобий ҳал этилиши учун узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида вояга етмаганлар ҳамда ёшларда репродуктив саломатликни муҳофаза қилишга имкон берадиган энг муқим, асосий, шу билан бирга оддий тушунчаларни шакллантиришга эътибор қаратиш лозим.

“Репродуктив маданият” тушунчасининг моъияти ва репродуктив маданиятга эришишнинг ижтимоий — педагогик шартларини ёритишда дастлаб репродуктивлик, бепуштлиқ, репродуктив саломатлик каби атамаларнинг қандай маънони англатиши хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир.

Мавжуд манбаларда талқин этилишича, “репродуктивлик” (лотинча “фертилик” (“fertilis”) – насл қолдириш) – вояга етган организмнинг насл қолдириш лаёқатига эгаллиги демакдир.

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларида “репродуктив саломатлик” тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Хўш, мазкур тушунча қандай мазмунга эга қамда шахснинг репродуктив саломатлиги қандай ижтимоий оқибатларни кафолатлайди?

Репродуктив саломатлик – бу инсоннинг репродуктив тизими шаклланиши ва қўз фаолиятини тўла бажара олишини таъминлайдиган барча қаётий жараёнларда жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиқатдан камолга етганлик қолати (<http://my.mail.ru/community/easyparents>)дир. Ушбу қринда келтирилган таъриф “репродуктив саломатлик” тушунчаси ва унинг ёрдамида ифодаланадиган ижтимоий қолат моқиятини деярли тўлақонли ифодалай олса – да, бироқ, бизнинг назаримизда уни қоявий жиқатдан тқлдиришга нисбатан зарурият юзага келади. Зеро, инсонга хос репродуктив тизим фаолияти бевосита соқлом фарзанд кқриш билан боқлиқ. Шунга кқра мазкур тизим фаолиятининг содир этилишида икки шахс – эр ва хотин қртасидаги қзаро жисмоний яқинлик, бунинг оқибатида дунёга келадиган фарзанд қаёти, камолоти учун масъулиятни етарли даражада қис эта олиш муқимдир. Бу қўз навбатида шахснинг репродуктив тизими шаклланиши ва қўз фаолиятини тўла бажара олишини таъминлайдиган барча қаётий жараёнларда жисмоний, ақлий, ижтимоий, шунингдек, маънавий – ахлоқий қамда физиологик жиқатдан камолга етиши тақозо этилаётганлигини англатади. Демак, бундан англанадики, қар бир шахснинг репродуктив саломатликка эга бўлишида унда қуйидаги белгилар акс этиши лозим:

1) репродуктив тизимнинг муваффақиятли, қеч бир салбий асоратларсиз шаклланиши;

2) репродуктив тизим қўз физиологик вазифасини бажара олиши;

3) репродуктив тизим ишлай олиши, зарур бўлган вазиятларда шахснинг қзини маънавий – ахлоқий, жисмоний, физиологик, ақлий ва ижтимоий жиқатдан камолга етганлигини намоён эта олиши.

Шахс репродуктив саломатлиги унинг оилавий қаётга маънавий – ахлоқий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий тайёрлиги, эр – хотин қртасидаги жисмоний яқинликнинг қар икки томон учун қам ижобий характер касб этишига эришиши, фарзанд кқриш хоқинининг қондирилиши ва, энг муқими, соқлом фарзанд кқра олиши учун хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасида қўрилган, уни ижобий қал қилишга жиддий эътибор қаратилди. Инсон ҳаётининг кечишида муҳим аҳамиятга эга бўлган репродуктив муҳитда юзага келадиган нуқсонларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ ҳолда унинг репродуктив саломатлигини таркиб топтириш, асраш ва мустақамлашга хизмат қиладиган методлар ва технологияларнинг ишлаб чиқилганлиги, ана шу мақсадга йўналтирилган хизматларнинг йўлга қўйилганлиги аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилишнинг асосий негизи саналади. Жамиятда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофазалаш йўлида олиб борилаётган амалий қаракатлар тизими қар бир шахсда репродуктив маданиятни қарор топтиришга шароит яратди. Мазкур қринда бевосита “репродуктив маданият” тушунчасини шарқлаш муҳимлиги юзага келади.

Маълумки, “маданият” тушунчаси арабча сўздан олинган бўлиб, цивилизация тараққиётга эришганлик каби маънони англатади. Мазкур тушунча жамиятга нисбатин қўлланилганда, унинг муайян даврларда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва маънавий — маърифий соҳаларда маълум ютуқларни қўлга киритганлиги билан ифодаланади. Шахсга нисбатан “маданият” тушунчасини қўллаш эса у томонидан муайян соҳалар бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг қзлаштирилганлигини аниқлашга хизмат қилади. Демак, шахс репродуктив маданиятга эга бўла олиши учун репродуктив билимларни, уларни амалий фаолиятда бевосита қўллай олиш кўникма ва малакаларини қзлаштири олиши лозим. Ушбу фикрларга таянган ҳолда “репродуктив маданият” тушунчасини қуйидагича шарқлаш мумкин:

Репродуктив маданият — бу шахснинг оилавий ҳаётга маънавий — ахлоқий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий тайёрлиги, эр — хотин қртасидаги жисмоний яқинликнинг қар икки томон учун қам ижобий характер касб этишига эришиш, фарзанд кўриш хоҳишининг қондирилиши ва, энг муҳими, соҳлом фарзанд кўра олишини таъминловчи онг ва амалий фаолият даражадир.

Шахс репродуктив маданияти қуйидагиларда акс этади:

— унинг оилавий ҳаётга *маънавий — ахлоқий* (оила учун масъуллик, оила ва никоҳни муқаддас деб билиш, оила шаъни ва оила аъзоларининг обрўсини қимоя қила олиш, эр — хотин, шунингдек, ота — она ва фарзандлар қртасида қзаро қурматни қарор топтириш, тасодифий жинсий алоқалардан қзни тийиш), *жисмоний* (эр — хотин қртасидаги жисмоний яқинликнинг қар икки шахс учун ижобий хусусият касб этишига эришиш, бу жараённинг ихтиёрий, қеч қандай зўрлик ва мажбурлашсиз

кечишига эришиш), *физиологик* (эркакнинг туқдириш, аёлнинг туқиш қобилиятига эгаллиги), *ақлий* (оилавий ҳаётни мўътадил кечишини таъминлаш, ота—онанинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан олда фарзандлар сони ва фарзанд кўриш даврларини ихтиёрий белгилаш, омиладорлик муддатлари ўртасида муайян интервал бўлиши зарурлигини инобатга олиш, исталмаган омиладорликнинг олдини олиш чора—тадбирларини кўриш) ва *ижтимоий* (оилани онгли режалаштириш) жиҳатдан тайёр бўла олиши;

— репродуктив саломатликка эришишни кафолатловчи омиллар, воситалар, методлар оамда хизматлар тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланиш қобилиятига эгалик;


— организмда бепуштлик келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш мақсадида жинсий гигиена оидаларига риоя қилиш, оза вақтида даволаниш ёки қўшимча репродуктив технологиялардан фойдаланиш малакаларини ошлаштириш;

— исталмаган омиладорликнинг олдини олиш чора—тадбирлари, воситалари (жумладан, контрацепция воситалари) ва методларидан хабардор бўлиш;

— оилани режалаштиришга онгли ёндашиш.

Юқорида билдирилган фикр—мулоҳазалар репродуктив маданият оуйидаги таркибий элементлардан таркиб топишини англатади:

Репродуктив маданиятнинг таркибий элементлари



Репродуктив маданият шахсда ижтимоий институтлар (оила, таълим муассасалари, маъалла, ижтимоий ташкилотлар) кўмагида репродуктив саломатлик, уни қарор топтириш, асраш ва мустақамлашга оид билимларни қзлаштириш, амалий фаолиятда бевосита қўллаш кўникма – малакаларини қосил қилиш орқали шакллантирилади. Шахс умумий маданияти негизида акс этадиган репродуктив маданият: 1) оилавий қаётга тайёрлик; 2) репродуктив саломатликка доир ахборотларга эгалик; 3) бепуштлиқнинг олдини олиш; 4) исталмаган қомиладорликнинг олдини олиш; 5) оилани онгли режалашириш каби таркибий элементлардан таркиб топади.

Адабиётлар

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2010. – 21 – бет.
2. Большая энциклопедия. Ульяновск – Франкфорт F 3–е издание. Т. 27. – Москва: Изд–во "Энциклопедия", 1973. – С. 952.
3. Ўзбек тилининг изоқли луқати. Е – М. 5 жилдди. Бешинчи жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006. – 521 – бет.